



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 69 (13.666)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА ҚИСКАРТИРИШ ВА СОДДАЛАШТИРИШ, ШУНИНГДЕК, БИЗНЕС ЮРИТИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ республикада давлатнинг иқтисодий ҳаётдаги иштирокини камайтириш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес ташаббуслар, стартапларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган комплекс институционал ва таркибий ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қабул қилинган чоралар самарадорлиги ва натижадорлиги етакчи халқаро молиявий ташкилотлар ва рейтинг агентликларининг ижобий баҳоларида холисона акс эттирилмоқда. Жаҳон банкнинг "Бизнесни юритиш - 2018" ҳисоботида Ўзбекистон тадбиркорлик учун янада қўлай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатлар қаторида жаҳонда биринчи ўнликка кирди.

Шу билан бирга, бир қатор йўналишларда тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг бюрократлашган методлари ҳали ҳам сақланиб қолмоқда, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бизнеснинг рақобатдорлигини жадвал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитига янги технологиялар ва инновацияларни татбиқ қилиш, қўлай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича давлат сиёсатининг изчиллиги бўлган ишончли мустаҳкамлашга тўсқинлик қилмоқда. Хусусан:

Биринчидан, тадбиркорлик фаолияти соҳасида замонавий талабларга жавоб берайдиган, умрини ўтаб бўлган кўп миқдордаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари сақланиб қолмоқда;

Иккинчидан, бизнес жараёнларини бошқаришнинг бозор механизмлари жуда секинлик билан татбиқ этилмоқда, шу жумладан, тартибга солиш функциялари ҳаддан ташқари марказлашган, ўзини ўзи тартибга солиш ва жамоатчилик назорати механизмлари суғурта даражада қолмоқда;

Учинчидан, тадбиркорлар ханузгача айрим ваколатли органлар томонидан лицензия ва рухсатнома бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштиришда маъмурий тартиб-таомилларнинг чўзилиш ҳолатлари билан тўқнашмоқда;

Тўртинчидан, ваколатли давлат органлари ўртадаги лицензия ва рухсат бериш хусусиятидаги ҳужжатларни тубдан қисқартириш, маъмурий тартиб-таомилларни янада соддалаштириш ва очиклик даражасини оширишга қаратилган ўзаро ҳамкорлик зарур даражада олиб борилмапти.

Бизнесни юритишдаги ортиқча бюрократ

тик жараёнларни тубдан қисқартириш, хусусий мулкнинг дахлсизлигини ҳимоя қилиш ва қафолатлашнинг бозор ҳамда ҳуқуқий механизмларини мунтазам равишда изчил мустаҳкамлаб бориш, республикада инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга қаратилган кучларни жамлаш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5308-сонли Фармонида мувофиқ:

1. Қуйидагилар тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари борасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишининг соддалаштирилган механизмларини белгилаш, шаффофликни таъминлаш, бизнес билан ўзаро муносабатларда ҳуқуқий аниқликни мустаҳкамлаш ва давлат органлари томонидан асоссиз маъмурий назоратни бекор қилиш орқали лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари соҳасидаги қонунчиликни жадвал такомиллаштириш;

лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари сонини босқичма-босқич қисқартириш, жамоатчилик назорати, ўзини ўзи тартибга солиш, сертифицирлаш, аккредитациялаш, фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлиқни суғурталаш, техник тартибга солиш ва бошқа замонавий усуллар орқали тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муқобил усулларидан фойдаланиш;

давлат бошқаруви жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий қилиш, шу жумладан, лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришда идоралараро ҳамкорлик механизмларидан (G2G), шунингдек, "ягона дарча" тамойилидан (G2B), энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлигининг таркибий бўлинмалари орқали кенг фойдаланиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, давлат манфаатдор вазирлик ва идораларининг:

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда давлат хизматларини кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислох қилиш бўйича кенг миқёсда бошланган ишлар доирасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлиги ташкил этилди (кейинги ўринларда - Агентлик).

Ҳозирги вақтда нафақат тадбиркорларга, балки аҳолига ҳам энг зарур ва талаб юқори бўлган давлат хизматларини "ягона дарча" тамойили бўйича кўрсатиш мақсадида республиканинг ҳар бир туман ва шаҳарларини қамраб олган Халқ қабулхоналари ҳузуридаги давлат хизматлари марказларининг ягона тармоғи яратилди.

Шу билан биргаликда, амалга оширилган чора-тадбирлар ва эришилган ютуқларга қарамастан давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида фойдаланилмаган имкониятлар ва ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

Биринчидан, бир қатор ташкилотларда базавий ахборот тизимларини жорий этиш масалалари ва уларнинг идоралараро интеграция қилиниши паст даражада эканлиги давлат хизматларини қўлай ва ўз вақтида кўрсатиши таъминламапти. Кўрсатиб ўтилган камчиликлар, айниқас, Мудрофа вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, "Ўзтрансгаз" АЖ ва барча даражадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тааллуқлидир;

Иккинчидан, давлат органлари томонидан жисмоний ва юридик шахслар тўғрисидаги маълумотлар, кўмас мулк объектлари ва бошқа ҳужжатлар реестрлари алоҳида қозғоқ кўринишида юритилиши, электрон архивларнинг мавжуд эмаслиги электрон давлат хизматларини кўрсатишда қийинчиликларга олиб келмоқда. Бу каби салбий амалиёт, айниқас, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда - Давргеодекадастр) ва "Ўзархив" агентлигига тегишлидир;

Учинчидан, кўпчилик давлат хизматлари марказлари ханузгача юқори тезликдаги Интернет тармоғига уланмаганлиги идоралараро электрон ҳамкорлиқнинг зарур даражада йўлга қўйилмаслигига сабаб бўлмоқда. Ушбу жиддий муаммоларни бартараф этиш учун Агентлик, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва "Ўзбектелеком" АЖ раҳбарлари тасричан чоралар кўрмаяпти;

Тўртинчидан, давлат хизматини кўрсатуви ваколатли органлар ва давлат хизматлари марказлари лозим даражада замонавий компьютер техникаси ва техник воситалар билан жиҳозланмаганлиги давлат хизматларини кўрсатишнинг илғор ва инновацион методларини жорий қилишга тўсқин бўлмоқда;

Бешинчидан, давлат хизматлари марказлари зарур бино ва хоналар билан таъминланмаганлиги талаб юқори бўлган қўллаб-қувватлаш хизматларини кўрсатиш учун ташриф буюрувчиларни тўлиқ ва бир вақтда қамраб олишга имкон берайди;

Олтинчидан, рухсат бериш ва лицензиялаш жараёнларидан ўтиш ҳамон мураккаб

ва ортиқча тартибга солинганлигича қолмоқда, давлат хизматларини олиш жараёнида ортиқча талаблар ва тўсиқларнинг мавжудлиги шаффофликнинг йўқолишига, ҳуқуқни турлича қўллаш амалиётига ва оқибатда суиистеъмолчиликлар тез-тез содир этилишига ва бошқа қондабузарликларга олиб келмоқда;

Еттинчидан, ахборот технологияларидан фойдаланиш бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг билим даражаси ва малакаси пастлигича қолмоқда, уларга ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш ва олишни ўргатиш бўйича ташкиллаштирилган тизим мавжуд эмас.

Аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш миллий тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга жаддалик билан ўтишини таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Маъмурий ислохотлар концепциясини изчил амалга ошириш мақсадида:

1. Агентлик, Давргеодекадастр, "Ўзархив" агентлиги, шунингдек, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги бошқа вазирлик ва идораларнинг иши қоникарсиз, деб топилсин.

2. Қуйидагилар кўрсатиб ўтилган вазирлик ва идоралар, давлат хизматларини кўрсатидиган бошқа ваколатли органларнинг биринчи даражали вазифалари этиб ҳисоблансин:

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнларини янада унификациялаш ва автоматлаштириш мақсадида ахборот тизимлари ва ахборот ресурсларини яратишга ягона технологик ёндашушни таъминлашни ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологияларини жаддалик билан ривожлантириш ва жорий этиш;

вазирликлар ва идораларнинг архив фондиди рақамли кўринишига ўтказиш ва тегишли ахборот ресурсларига киришга имконият беришга доир чора-тадбирларни амалга оширишни янада жаддалаштириш;

ягона давлат реестрига киритилган барча давлат хизматлари бўйича бизнес жараёнларини реинжинирингнинг амалга ошириш орқали давлат хизматларини кўрсатиш жараёнидаги тартиб-таомилларни ва уларни кўрсатиш муддатларини тубдан қисқартириш, бланк ва шақллари сезиларли даражада оптималлаштириш;

давлат хизматларини кўрсатиш жараёнига жалб этилган ҳодимларнинг ўз лавозим мажбуриятларини сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли бажаришни таъминлаш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, ҳозирги замон талабларига мувофиқ ишлаш қўникмаларини ва маданиятини ошириш, улар ишини объектив баҳолаш механизмларини жорий этиш;

юклатилган вазифа ва функциялардан келиб чиққан ҳолда муаммоларни ҳал қилишда давлат органлари ва ташкилотларнинг давлат хизматларини кўрсатишда иштирокларни бўйича ҳаракатларни бирлаштириш юзасидан масъулиятларини ошириш;

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим марказида "Ўзбекистон - Афғонистон муносабатлари: сиёсий тараққиётнинг янги босқичида" мавзуга бағишланган очик мулоқот бўлиб ўтди.

• Андижонда "Гастроэнтерологиянинг долзарб муаммолари" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Андижон давлат тиббиёт институти ҳамкорлигида ўтказилган анжуманда мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари, гастроэнтерология соҳасида фаолият олиб бораётган амалиётчи шифокорлар, хорижий олимлар, талабалар иштирок этди.

• Наманганда вилоят ҳокимлиги, вилоят божхона бошқармаси, тижорат банклари ва тадбиркорлар иштирокида мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, янги технологияларни қўллаш орқали харажатларни камайтириш ва ҳосилдорлиқни ошириш, гидропоника усулида иссиқхоналар ташкил этиш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

• Фарғона вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида болалар тиббий кўриги ўтказилди. Кўрик давомида асосан, тана таянч ҳаракат тизими, урологик хасталиклар билан асоратлари бўлган болалар тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларга зарур тавсия ва маслаҳатлар берилди.

• Наманганда "Баҳор ифори" миллий рақсат республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманлардаги "Баркамол авлод" болалар марказлари қошидаги рақс тўғараги аъзолари ва умумтаълим мактаби ўқувчиларидан 100 нафардан зиёд кизлар иштирок этди.



• Япониянинг Симонэ музофотида 5,8 балли кучли зилзила рўй берганлиги оқибатида ўнлаб кишилар жароҳатланди, юздан ортиқ уйлар вайрон бўлди. Мамлакат маъмуриятларининг таъкидлашича, ер қимирлаши натижасида Симонэ атом электр станциясига зарар етмаган.

• Буюк Британиянинг Лутон шаҳрида иккита автобуснинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида ўндан ортиқ киши жабрданди, улардан бирининг аҳволи жуда оғирлиги қайд этилмоқда. Тўқнашув шаҳар марказида рўй берган бўлиб, 11 киши автобусни мустақил равишда тарк этишга муваффақ бўлди, икки нафар йўловчи эса унда қамалиб қолди. Уларни тезда тўқнашув жойига етиб келган махсус хизмат вакиллари кутқариб олишди.

• Германиянинг Берлин шаҳрида полияти томонидан 6 нафар шубҳали шахс қўлга олинди. Маълумотларга қараганда, улар 10 минглаб кишилар иштирок этадиган оммавий 38-Берлин марафони давомида иштирокчиларга қароли хужум уюштиришни режалаштирганлар. Ҳозирда тергов ишлари давом этмоқда.

Г.САТТОВА,
ЎЗА мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ҚОНУНЛАР ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИ

Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан "Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Рекрутнинг фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида мазкур қонунлар лойиҳаси муҳокама қилинди.

"Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасининг мақсади ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш механизмининг такомиллаштириш, йўловчилар манфаати ҳимоя қилинишини таъминлаш, тегишли давлат органлари томонидан амалга ошириладиган назорат тизимини такомиллаштириш ва бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишдан иборат.

"Рекрутнинг фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимиз аҳолисини ҳам маҳаллий корхоналарда, ҳам чет элда иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш, давлат хизматлари ва хусусий сектор учун бандликка кўмаклаштиришнинг аниқ механизминини қонуний тартибга солиш

имконини беради. Шунингдек, иш билан таъминлаш борасида хизматлар кўрсатиш учун тартиб ва шартларни белгилаш, рекрутнинг агентликлари, корхоналар ва иш қидираётган шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан давлат хизматлари кўрсатиш тартибини бузгани, жумладан, электрон ҳужжат, сўров, аризонани номидан мувожаатни қабул қилишни рад этиш, давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахсларнинг мувожаатларини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини бузганлиги, аризонидан давлат хизматларини кўрсатиш маъмурий регламентда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасидаги ваколатли давлат органларининг қонуний талабларини кўрсатиш соҳасидаги ваколатли давлат органининг қонуний талабларини бажармаслик бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш орқали масъулиятни кучайтириш бел-

гиланган. Қонун ижросининг назорати Адлия вазирлигига юклатилган.

Фракция йиғилишида бошқа бир қатор қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамиятимизнинг турли соҳаларини ислох қилишга доир бир қатор қонун ҳужжатлари кўриб чиқилди.

"Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмининг яратилиши депутатлик корпусининг дастурий вазифаси эканини қайд этди. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасига кўра, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Рақобат тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартишлар киритиш назарда тутилмоқда. Қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик чораларини белгилашга қаратилган қўшимчалар ва ўзгартишлар киритилмоқда.

Муҳокамалар жараёнида фракция аъзолари "Адолат" СДП давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, бу борадаги қонун ва қонунсиз ҳужжатларини ҳаётга самарали татбиқ этишда уларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш тарафдорли эканини таъкидлади. Қонун лойиҳалари депутатлар томонидан концептуал жиҳатдан маъқулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ СОҲАСИДАГИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА СОДДАЛАШТИРИШ, ШУНИНГДЕК, БИЗНЕС ЮРИТИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланадиган фаолият ва рухсат бериш тартиб-таомилларининг айрим турларини, шу жумладан, уларнинг баъзи турларини бирлаштириш йўли билан 1 ва 2-иловадаги мувофиқ бекор қилиш;

2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни расмийлаштириш мuddатларини 3-иловага мувофиқ қисқартириш;

2018 йил 1 июндан бошлаб фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш бўйича функцияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан тегишли давлат органларига 4-иловадаги рўйхатга мувофиқ ўтказиш;

2018 йил 1 июндан бошлаб лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш функциясини республика давлат бошқаруви органларидан уларнинг ҳудудий бошқармаларига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларидан туман (шаҳар) ҳокимликларига 5-иловадаги рўйхатга мувофиқ ўтказиш;

2018 йил 1 июндан бошлаб тадбиркорлик фаолияти соҳасида лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни олиш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни 6-иловага мувофиқ амалга ошириш бўйича тақлифлари қабул қилинсин.

3. 2018 йил 1 июндан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ тиббиёт ва фармацевтика фаолияти, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолият, кўча радиотелефон (уяли) алоқа тармоқлари ва телерадиоэшитиришларни тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш, шунингдек, нефть, газ ва газ конденсатини қазиб олиш, қайта ишлаш ва сотишни амалга ошириш ҳуқуқини берадиган лицензиялардан ташқари, фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган барча лицензиялар амал қилиш мuddати чекланмаган ҳолда бериладди.

4. Белгилаб қўйилсинки: лицензияланадиган фаолият тури доирасида бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар)нинг аниқ рўйхати фаолиятнинг тегишли турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомида кўрсатилади;

агар лицензияловчи орган лицензия бериш тўғрисидаги аризани қўриб чиқиш мuddати давомидида лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилмас, лицензия даъвогарни кўрсатилган мuddат ўтганидан сўнг лицензияловчи органини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда аризадан кўрсатилган фаолият турини амалга оширишга ҳақлидир. Бунда лицензияловчи орган лицензия даъвогарининг ёзма хабарномаси олингандан кейин беш иш кунини ичида унга лицензия бериши шарт.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой мuddатда:

лицензияловчи ва бошқа ваколатли органлар билан биргаликда мазкур Фармон талабларини инобатга олган ҳолда фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ҳамда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомиларни қайтадан қўриб чиқсин;

тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли вазирлик ва идоралар билан биргаликда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги барча низомиларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

6. Лицензия ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни беришга ваколатли органлар раҳбарлари амалдаги фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тартиби ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомиларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

лицензиялар ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар сонини кескин камайтириш ишларини давом эттирсин, бунда зарур ҳужжатлар рўйхатини қисқартириш, маъмурий тартиб-таомилларнинг мuddат ва қийматларини мақбуллашти-

риш орқали маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштиришга ва уларнинг шаффоқлик даражасини янада оширишга, манфаатдор мақсадли аудиторияда сўровлар ўтказиш, бу борадаги илгор ҳорижий тажрибани танқидий ўрганиш, бизнес ҳамжамияти билан маслаҳатлар ўтказиш ҳамда етакчи халқаро экспертларни жалб қилиш асосида уларнинг рақобат муҳитига таъсирини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентига лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича тегишли тақлифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Марказий банки, Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда қонун ҳужжатларига маъмурий рақобат қилиш қандайдиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисидаги тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Р.Иноятов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори О.Б.Муродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2018 йил 11 апрель

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларидан устувор равишда ахборот тизимлари, дастурий маҳсулотлар, маълумотлар базаларини белгиланган талабларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, электрон давлат хизматларини жорий этиш учун фойдаланиш.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Агентлик замонвий давлат хизматларини жорий этиш масалаларига тегишли равишда ёндашмаётган давлат органларининг мансабдор шахсларига нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик чораларини кўрсин.

3. Келгусида давлат хизматларини жорий этишни янада жадаллаштиришни таъминлаш ва уларни кўрсатишдаги заиф томонларни аниқлаш учун қуйидагича тартиб ўрнатилсин:

2018 йилнинг 1 июндан иловадаги рўйхат бўйича давлат хизматлари марказлари томонидан тартиб тартибда 70-100 турдаги талаб юқори бўлган давлат хизматлари кўрсатилади;

тартиб тартибда жорий этиладиган давлат хизматлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини девокнинг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати раҳбари томонидан тасдиқланадиган вақтинчалик маъмурий регламентлар қабул қилинади;

тартиб тартибда жорий этиладиган давлат хизматлари рўйхати аҳолининг долзарб эҳтиёжлари асосида шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг тақлифига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентини девокнинг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати томонидан тасдиқланади;

тартиб тартибда жорий этиладиган давлат хизматлари рўйхатига киритилган давлат хизматлари фақат давлат хизматлари марказлари орқали тақдим этилади; давлат хизматларини кўрсатиш тажриба тартибда жорий этилган кўндан бошлаб ваколатли орган томонидан давлат хизматларини кўрсатиш ахборот аризаларни бевоқифа аризалардан қабул қилиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тегишли манфаатдор идоралар билан биргаликда 2019 йилнинг 1 июнига қадар давлат хизматларини тажриба тартибда кўрсатиш натижаларига кўра, мазкур давлат хизматларини кўрсатиш республиканинг барча ҳудудларида жорий этиш ва давлат хизматлари марказларининг фаолиятини такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритсин.

Ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Агентлик бюджетдан ташқари жамғармаси, Бюджетдан ташқари адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда давлат хизматлари марказларини туман (шаҳар)нинг транспорт кесишуви фуқаролар учун қўлай бўлган марказий қисмида жойлашган биноларга, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар биноларини оператив бошқаруш ҳуқуқи асосида бериш орқали, кўчириб ўтказишни назарда тутувчи ҳужжат қарорини қабул қилсин.

Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига давлат хизматлари марказларининг янги биноларини фақат бюджетдан ташқари манбалардан, аynиқса, давлат-хусусий шерикчилик асосида барпо этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини танқидий ва чуқур ўрганиш, аҳоли орасида сўровлар ўтказиш орқали сифатига нисбатан норозилик келиб чиқаётган давлат хизматларини аниқлаш ва уларни такомиллаштириш бўйича зарур чораларни кўрган ҳолда ҳар чоракда талаб юқори бўлган давлат хизматларини баҳолаб борсин.

6. Белгилаб қўйилсинки: 2019 йил 1 январдан бошлаб электрон давлат хизматларини кўрсатиш доирасида идораларо электрон ҳамкорлик амалга ошириладиган жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами, солиқ тўловчининг идентификация рақами ҳамда кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамидан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади;

2018 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги "Янги технологиялар" илмий-ахборот маркази ДУКнинг электрон рақамли имзо қалитлари сертификатлари ушбу қарорнинг иловасида кўрсатилган

давлат хизматлари марказлари томонидан фуқароларга бепул берилади;

Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, унинг пудратчи (субпудратчи) ташиқлотлари ахборот тизимларини, ресурслари, маълумот базалари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқиш, шунингдек, Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларини зарур аппарат-дастурий комплекслари билан жиҳозлаш ишларини техник ва лойиха ҳужжатларини Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги ҳошидаги "Лойиха ва Импорт шартномаларини комплекс экспертизадан ўтказиш маркази" ДУКда тезлаштирилган тартибда келишгандан сўнг амалга оширади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда кейинчалик "Электрон ҳужжат" тизими билан интеграция қилиш мақсадида уч ой мuddатда ўзларининг ахборот тизимларидидаги фуқаролар шахсий маълумотларини тўғрисидаги ахборотларни янгилашни таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат геодезкадастр, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда кейинчалик "Электрон ҳужжат" тизими билан интеграция қилиш мақсадида уч ой мuddатда ахборот тизимларидидаги жисмоний шахсларнинг манзил маълумотларини жисмоний шахсининг шахсий идентификация рақами ва кўчмас мулк объектлари кадастр рақамига боғланган ҳолда янгилашни таъминласин.

9. Давлат геодезкадастр: тегишли аҳоли пунктлари, кўчалар, тор кўчалар ва бошқаларга уникал кодлар берган ҳолда кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестрини шакллантиришни ва юриктиши таъминласин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда кўчмас мулк объектларининг манзиллари реестрини шакллантириш ва юриктиш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Адлия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган мuddатда электрон давлат хизматларини кўрсатилган учун бож, йиғим ва бошқа тўловларни онлайн тарзда амалга ошириш механизмни жорий этишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

2019 йил 1 январгача бўлган мuddатда барча давлат хизматлари марказлари оптик толали алоқа линияларига улаштириш таъминласин;

2018 йил 1 сентябргача бўлган мuddатда телефон орқали келиб тушадиган муносабатларни сақлаш имкониятини яратган ҳолда қўнироқларни қайта ишлаш тизимини яратсин ва амалга киритсин;

Агентлик билан биргаликда 2018 йил 1 декабрга қадар талаб юқори бўлган электрон давлат хизматларини кўрсатиш учун ихтисослашган мобил илованинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини таъминласин;

Агентлик билан биргаликда 2019 йил 1 январгача бўлган мuddатда ахборот тизимларини, ресурслари, маълумот базалари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқиш, шунингдек, Агентлик, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказларини зарур аппарат-дастурий комплекслари билан жиҳозлашни таъминласин;

давлат органлари ва бошқа ташиқлотлар билан бирга уларнинг ахборот ва телекоммуникация тизимлари, маълумотлар базалари, сервер ва бошқа жиҳозларини хатловдан ўтказиб, "Электрон ҳужжат" тизими ва Агентликнинг ахборот тизимларига интеграция қилсин, шунингдек, идораларо электрон ҳамкорлигини жорий этсин.

Мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбаси этиб Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш фонди маблағлари ва давлат органларининг бюджетдан ташқари маблағлари белгилансин.

12. Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва бошқа ташиқлотлар қуйидагиларни таъминласин: давлат хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган, қозғош шаклда сақланаётган маълумотларни, электрон маълумотлар базаларини шакллантириш ва идораларо электрон ҳамкорлигини йўлга қўйишни назарда тутган ҳолда, босқичма-босқич рақамли қўриқни қайта келтириш;

ортиқча тартиботларни йўқотиш ва бюрократик усурларни камайтиришни назарда тутган ҳолда кўрсатилаётган давлат хизматларини мақбуллаштириш, натижаларга кўра Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Адлия ва-

зирлиги билан келишган ҳолда уларни электрон шаклга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқиш;

Уларнинг идоровий ахборот тизимлари ва ресурсларини "Электрон ҳужжат" ва Агентлик ахборот тизимлари билан интеграция қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда чора-тадбирларнинг қисқа мuddатларда ижро этилишини назарда тутган ҳолда мазкур банд ижросини таъминлаш бўйича қарор қабул қилсин.

13. Вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари моддий-техник воситаларни ўз вақтида харид қилиш, "Электрон ҳужжат" ва Агентлик тизимларига интеграция қилиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларини яратиш ва такомиллаштириш, давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматларини ўз вақтида ва сифатли йўлга қўйиш учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргаликда ҳар чорак якунига кўра Ўзбекистон Республикаси Президентини Девокнинг давлат хизматларини йўлга қўйиш ва уларни электрон шаклга ўтказишда маълумот тизимларига йўл қўйётган аниқ шахсларни кўрсатган ҳолда мазкур қарорнинг амалга оширилиши бўйича маълумот киритиб борсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018 йилнинг 1 июнига қадар Агентликнинг асосланган сўровлари бўйича халқаро молия институтларининг грантларини жалб қилган ҳолда давлат хизматлари марказларини зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аниқ тақлифлар киритсин.

Агентлик 2018 йилнинг 1 майига қадар Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасига давлат хизматлари марказларини зарур асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш лойиҳаларини молиялаштириш бўйича асосланган тақлифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг вазирлик ҳузурида энг янги ахборот технологиялари ва рақамли ускуналар билан жиҳозланган бошқаруш ҳодимлари сонини 5 та штат бирлигидан иборат давлат муассасаси шакллантириш бўйича ахборот-таҳлил мултимедиа марказини (кейинги ўринда – Мултимедиа маркази) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маълумласин.

16. Мултимедиа марказининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин: аҳоли, аynиқса, ёшларнинг, шунингдек, қишлоқ жойларида ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш; замонвий технологиялар ва ижодий ёндашувлардан фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш бўйича инновацияларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка, тадбиркорлик субъектларига етказиш;

адлия органлари ва муассасалари фаолиятини кенг ёритиш бўйича ахборот-таҳлилий ва обзорли медиа материалларни, шу жумладан, аудио ва видеороликлар, теле ва радио кўрсатувлар, ижтимоий рекламалар, воқеа жойидан репортажларни тайёрлаш ҳамда эфирга, шунингдек, Интернет тармоғига узатиш;

давлат хизматларидан фойдаланиш тартиби бўйича жамоатчиликка маслаҳат ёрдамларини бериш, шу жумладан, қабул қилинган маъмурий регламентларнинг талабларини аниқ ва батафсил тушунтириш; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ваколатли органлар томонидан давлат органлари ва бошқа ташиқлотларнинг давлат хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятини ўрганишлар ва текширишлар, шунингдек, қўпол қондабузарликлар ва тизимли камчиликлар, айбдорларга нисбатан кўрилган чоралар, аризаларнинг қайта тикланган ҳуқуқлари тўғрисида аҳолини хабардор қилиш;

аҳолининг барча қатламлари билан мулоқот ўрнатиш, давлат хизматларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш, ижтимоий тармоқлар ва мобил иловаларни кенг қўллаш орқали ушбу соҳанинг энг долзарб камчиликларини жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиш.

17. Белгилансинки: Мултимедиа маркази фаолиятини молиялаштириш бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармаси, шунингдек, қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Мултимедиа марказига Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор раҳбарлик қилади;

Мултимедиа марказининг бошқаруш ҳодимларига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг марказий аппарати ҳодимлари учун белгиланган моддий ва ижтимоий муҳофаза чоралари қўлланилади;

Мултимедиа марказининг бошқа мутахассислари (режиссёр, креатив муҳаррир, муҳбир, тасвирчи, видеомонтажчи, АКТ мутахассиси, аппарат-студия комплекси муҳандиси ва бошқалар) меҳнат бозоридида ҳақиқий конъюнктуранинг ҳисобга олган ҳолда шартнома асосида жалб қилинади.

18. Мултимедиа маркази директорига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Мултимедиа марказига мазкур қарорнинг 17-банди бешинчи хатбошида кўрсатилган мутахассисларни шартнома асосида ишга жалб қилиш;

Мултимедиа марказига юклатилган вазифаларни бажариш доирасида бошқа ташиқлотлар билан хизматлар олиш ва кўрсатиш (ишларни бажариш, товарлар ва маҳсулотлар етказиб бериш) бўйича шартномалар тузиш.

19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда:

Мултимедиа марказининг устави тасдиқланиши ва унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Мултимедиа марказининг штат жадалини тасдиқласин ҳамда юқори малакали мутахассислар билан тўлдирсин;

Мултимедиа марказини Адлия вазирлиги биносида жойлаштирсин, унинг ишини самарали ташкил этиш мақсадида алоқа воситалари, кенг қамровли Интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти билан, шунингдек, 2 та автомашина, шу жумладан, 1 та махсус автомашина сотиб олиншини таъминласин.

20. Давлат хизматлари марказлари ва бошқа ташиқлотлар мутахассисларини жалб этган ҳолда 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб барча ўрта ва касб-ҳунар таълим муассасаларининг охири курсида (синфиди) ёшларнинг зарур бил им ва кўникмаларини шакллантиришга қаратилган "Давлат хизматларидан фойдаланиш маданияти" мавзусида ўқув семинарлари ва очик дарсларни ўтказиш амалиёти жорий этилсин.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази Агентлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда ўқув семинарлари ва очик дарсларни ташкил этиш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги: Юристар малакасини ошириш марказида икки ой мuddатда юзага келадиган низоли масалаларни ҳал қилиш, катта иш ҳажмига рўйи тайёрларлик, муомала ҳамда давлат хизматини кўрсатиш маданиятини оширишга қаратилган ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда доимий равишда давлат хизматлари марказлари раҳбар ва бошқа ҳодимларни ўқитишни таъминласин;

давлат хизматлари марказлари ҳодимларининг Юристар малакасини ошириш марказида ўз вақтида ва тўлиқ ўқиши устидан доимий назорат ўрнатсин.

22. Агентлик бир ой мuddатда давлат хизматлари марказлари ҳодимлари томонидан фуқароларга Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали хизматлардан фойдаланишнинг қўлайлиги ва устуқлигини, жумладан, аҳолига мазкур тартибни чуқур ўргатиш орқали уларнинг Интернет тармоғидан муносабат қилишини рағбатлантириш амалиётини жорий этсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг давлат хизматлари марказлари орқали давлат хизматларини самарали жорий этганини учун давлат органларининг маълум раҳбарлари ва ҳодимларини ҳар чорак якуни бўйича Агентликнинг бюджетдан ташқари жамғармаси ҳисобидан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорда рағбатлантириш механизмини жорий этиш ҳақидаги тақлифи маълумласин.

24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

25. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов, Ўзбекистон Республикаси Президентини Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М.Мавлонов ва Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФАРЗАНД – ОИЛА ҚУВОНЧИ

Қуйи палатанинг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси ҳамда Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси ҳамкорлигида ташкил этилган "Аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлашни ҳуқуқий асослари: амалиёт ва халқаро тажриба" мавзусидаги давра суҳбатига депутатлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган Акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази мутахассислари, олимлар, экспертлар, ҳуқуқшунослар ва хусусий тиббиёт секторлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, жумладан, оналик, оталик ва болаликни муҳофаза қилиш, оила институтини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани таъкидланди. Президентимизнинг "2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори "Соғлом она – соғлом бола" мақсадига эришишга қаратилган вазифаларни илмий ва тизимли амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Давра суҳбатига аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлашнинг ҳуқуқий асослари ва уни такомиллаштириш зарурати, ушбу соҳадаги

ютуқ ва муаммолар, ёрдамчи репродуктив технологияларнинг қўлланиш амалиёти ва халқаро тажриба кенг муҳокама қилинди. Миллий қонунчиликда аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлашнинг негизи бўлган сабабларга, яъни бепуштлики бартараф этиш, фарзанд кўра олмаслик муаммоларини ҳал этишда ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш ҳуқуқлари акс эттирилиши лозим. Шунингдек, ёрдамчи репродуктив технологияларни татиқ этиш, унинг қандай турларига рухсат берилиши, амалиётнинг давлат ёки хусусий тиббиёт муассасалари томонидан қай тарзда амалга оширилиши, уларга лицензия бериш ва аккре-

дитациядан ўтказиш тартиби қонун билан белгиланиши керак.

– Ота-она бўлиш катта бахт, зеро фарзанд оила қувончи, – дейди Республика аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори Махмуда Катта-хўжаева. – Аммо маълум бир сабабларга кўра айрим инсонлар фарзандли бўлиш бахтидан мосуво. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бепуштлик ҳозирги кунда энг кўп тарқалган касалликлардан бири ҳисобланади. Бу хасталик нафақат тиббий, балки ижтимоий муаммага айланмоқда. Чунки бепушландлик оилавий ажримларга асос бўлади. Ушбу муаммоларга ечим топиш, бу борада ёрдамга муҳтож оилаларга кўмаклашишда ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда фуқаролар соғлиғини сақлаш сиёсатини амалга оширишда замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали тиббий кадрлар, жумладан, илмий даражага эга бўлган мутахассислар тайёрлаш масаласи ниҳоятда долзарблиги қайд этилди. Айниқса, репродуктология, эмбриология, андрология йўналишларида нафақат илмий даражали малакали мутахассисларга, балки оддий мутахассисга ҳам эҳтиёж юқорилигича қолаётди. Ушбу муаммолар ечимни сифатида қонунчиликни такомиллаштириш, давлат тиббиёт муассасалари билан бирга хусусий секторнинг ривожланиши рақобат асосида тиббий хизмат сифатининг ошишига, тиббий туризмни ривожлантиришга замин яратди.

(ЎЗА)

**БЕМОР БОЛАЛАР
ГЕРМАНИЯДА
ДАВОЛАНАДИ**

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг тиббий-ижтимоий марказида Германиянинг "Friedensdorf International" халқаро ташкилоти мутахассислари томонидан 12 ёшгача бўлган болалар тиббий кўриқдан ўтказилди.

Лойиҳа кам таъминланган оилалардаги таъин-ҳаракат тизимининг туғма ирсий касалликлари ва жароҳатлар натижасидаги асоратлари, пешоб йўли (экстрофия, тупсопадия) ва овқат ҳазм қилиш тизимининг туғма нуқсонлари билан операцияга муҳтож, қуйиш асоратлари оқибатида жисмоний ҳаракатланиш ва функция бузилишига олиб келувчи кўплаб чандиқли контрактуралар ва уларнинг асоратлари бўлган бемор болалар саломатлигини мустаҳкамлаш ҳамда ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадига ишлаб чиқилган махсус соғломлаштириш дастури доирасида амалга оширилди.

Чуқур тиббий кўриқдан ўтказилган Тошкент, Сирдарё вилоятлари ва пойтахтлик болаларга керакли ташхис қўйилиб, ота-оналарига шифокорлар тавсия ва маслаҳатлари берилди.

Мазкур лойиҳа 8-9 апрель кунлари Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида ҳам амалга оширилган эди.

11-12 апрель кунлари Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида, 13 апрелда эса Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Навоий, Самарқанд ва Хоразм вилоятларидаги бемор болалар тиббий кўриқдан ўтказилди. Энг оғир деб топилган бемор болалар жорий йилнинг август ойида Германиянинг нуфузли клиникаларига даволаниш учун юборилди.

М.ҚОСИМОВА

Айни кунларда пойтахтимизда Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан туманлардаги касб-хунар коллежлари, академик лицей ва умумтаълим мактабларида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

**ЗУЛФИЯХОНИМ
ИЗДОШЛАРИ**

Республика Телевидение ва радио касб-хунар коллежиди бўлиб ўтган "Зулфияхоним издошлари изидан" деб номланган тадбирда сўз олган Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Иноятхон Абдуллаева ва Баҳора Абдусатторова мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, иқтидорини шакллантириш, жамиятда ўз ўрнини топиши, интилиш, онг ва тафаккурини тарафлаштириш ҳамда соғлиғини ҳимоялаш учун муносиб шароитлар яратилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар.

– Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан бўлиб ўтган ушбу учрашув ўқувчи-қизларимизда катта таассурот қолдирди, –

дейди Бектемир тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зиёда Тоҳирова. – Бундай тадбирлар ёшларнинг қомил инсонлар бўлиб камолга етишига, ўзи қизиққан соҳасида ўқиб, ўрганишга ва истеъдодини шакллантиришга чорлайди. Шу билан бирга қизларимиз Зулфия издошлари сафидан жой олишга, улар каби юксак мукофот соҳиббаси бўлиши учун билим ва салоҳиятини ошириши лозимлигини англаб етади.

Шунингдек, тадбирда ёшларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини тўғри шакллантириш, турли оқимларга кириб кетмаслик, зарарли иллатларга қарши курашиш, экологик ва тиббий маданиятни юксалтириш

борасида сўз борди. Қизларнинг баалоғатга етмасдан турмуш қуришининг олдини олиш, оила муқаддаслиги, оилавий қадриятлар, ўзаро муносабатлар ҳақида кенг тушунча берилди.

Қизларнинг ҳуқуқий, тиббий маданиятини ошириш, касб-хунарга ўргатиш, миллий қадриятлар, кекса авлодни эъзозлаш, юксак одоб-ахлоқ тамойиллари "асосида" тарбиялаш, гоъвий таҳдидлардан ҳимоялаш, кийиниш ва муомала маданиятини тўғри шакллантириш масалалари муҳим вазифа эканлиги қайд этилди.

Мулоҳаза, мунозара ва қизиқарли фикрларга бой тарзда янқулган тадбир иштирокчиларга бирдай манзур бўлди.



ҚИЗЛАР МИЛЛАТ ЭРТАСИ

Мирзо Улугбек туманидаги Тошкент ахборот технологиялари касб-хунар коллежиди бўлиб ўтган учрашув эса "Қизлар миллат эртаси" деб номланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўқувчи-ёшларга оид ислохотларнинг аҳамияти, маънавий жабҳадаги кенг қўламли чора-тадбирлар, қадриятларимизни қадрлаш, миллий анъаналаримизга амал қилиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид тамойилларни кенг ва атроф-лича тушунтириб ўтдилар.

– Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг ўқиши, иқтидорини шакллантириши, орзуларини рўёбга чиқариши, спорт ва ўзи қизиққан касб-хунарни эгаллаши учун барча имкониятлар яратилган, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори Баҳора Абдусатторова. – Она Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишиш, яратилган улкан имкониятлардан самарали фойдаланиш келажак авлоднинг асосий вазифасидир. Мен шундай юксак муко-

фотта сазовор бўлганимдан фахрланаман ва она Ватанимизга сизидилдан хизмат қиламан. Бўлиб ўтаётган учрашувларда эса ўқувчи қизларимизга китоб ўқинг, тафаккурингизни ва ақлингизни чарқланг, шундагина ўйлаган барча эзгу ниятларингизга албатта етасиз, деб ҳаммиса тақдорлайман. Зеро китоб маънавий сарчашмасидир.

Тадбир доирасида ўқувчи-қизлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари ва учрашувга таширф бўлган турли соҳа вакиллари билан ўзларини қизиқтирган барча саволларига батафсил жавоб олдилар.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан Миробод, Олмазор туманлариди ҳам бўлиб ўтган учрашувлар юксак савияда ўтказилди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Тошкент шаҳар Божхона бошқармасида шахсий таркиб ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари иштирокида "Коррупция – маънавият ва тараққиёт душмани" мавзусида навбатдаги давра суҳбати ўтказилди.

Давлат божхона қўмитаси ҳамда "Тошкент-Аэро" ихтисослаштирилган божхона комплекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Ўзбекистон нодавлат нотариот ташкилотлари Миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросига қаратилди. Тадбирда сўз олганлар республикамизда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва чек қўйиш, бунга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш борасида кенг қўла-

**КОРРУПЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ
ДУШМАНИ**

ли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди. Айтиб ўтиш жоизки, коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказиши, давлатнинг конституциявий асосларини ва қонун устуворлигини заифлаштириши, пировардида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бош илмий ходими Валишер Давлятовнинг "Коррупцияга қарши курашишда халқаро тажриба", Ўзбекистон нодавлат нотариот ташкилотлари Миллий ассоциацияси масъул котиби Насиба Мамараи-

мованин "Коррупцияга қарши курашишда нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг роли", Шайхонтоҳур туманидаги "Зангиота" масжиди имомхатиби Илҳомжон Мадалиевнинг "Динда порахўрликнинг ҳукми" мавзусидаги маърузалари тингланди.

Тадбирда асосий эътибор божхона органларида коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишларга қаратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижроси доирасида божхона органларида тарбиявий профилактика ишларни кучайтириш, шахсий таркибни муносиб ҳулқ-атворда бўлишини таъминлаш, бурчга садоқатини мустаҳкамлаш, ти-

зимга доғ туширувчи турли салбий ҳолатларга йўл қўйилишининг олдини олиш мақсадида давлат божхона хизмати органларининг одоб-ахлоқ қоидалари ва уларни қўллаш бўйича йўриқнома тасдиқланди.

Тошкент шаҳар Божхона бошқармаси ва "Тошкент-Аэро" ИБ-Книнг барча ташқи иқтисодий фаолият ва чегара-божхона постларидаги мавжуд мониторинг орқали йўловчилар ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун доимий равишда коррупциянинг мудҳиш оқибатларидан оголхатирувчи ижтимоий видеороликлар намойиши йўлга қўйилган.

Коррупцияга қарши курашиш, ёш божхоначиларни ўз касбига садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Давлат божхона қўмитаси томонидан Божхона хизмати фахрийлар уюшмаси нодавлат-нотижорат ташкилоти билан самарали ҳамкорлик амалга ошириб келинмоқда.

Давра суҳбатига иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларига жавоблар олишди.

Зиёда РАСУЛОВА

**КИТОБ – ЭНГ ЯХШИ
СОВҒА**

Пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги 206-умумтаълим мактабиди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Кенгаши ташаббуси билан "Фарзандимга китоб совға қиламан" мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда халқ депутатлари Яшнобод тумани Кенгашидаги ўзМТДП гуруҳи аъзолари, партия ходимлари, профессор-ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар, ота-оналар, журналистлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда халқимиз, айниқса, ёшларнинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини ошириш, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларда мутолаа маданиятини қарор топтириш борасида самарали ишлар қилинаётгани таъкидланди.

Шунингдек, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга доир тарғибот ишларини тизимли ва самарали ташкил этиш, бу борада китобхонлар, кутубхоначи ва тарғиботчилар ўртасида кўрик-танловлар ўтказишни йўлга қўйиш муҳим экани қайд этилди.

Тадбир доирасида китоб кўргазмаси ташкил этилиб, ёшларга ўзбек ва жаҳон адабиётининг дурдона асарлари ҳақида маълумот берилди.

Мактабда аъло баҳоларга ўқиб, тасдиқли ишларда фаол иштирок этган ўқувчиларга эскилик совғалари топширилди.

Г.БОБОВА

**БАҲОРГИ ИЖОДИЙ
МАРАФОН ЧОРЛАЙДИ**

Ўзбекистон Бадий академияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳар йили апрель ойида анъанавий тарзда ўтказиладиган Тасвирий ва амалий санъат фестивали мамлакатимиз маданий-маърифий тадбирларининг энг қизиқарли, ранг-баранг ва ёрқини, бир вақтнинг ўзида ёшлар ҳамда маҳоратли уста ижодкорларни ўзига жалб этувчи ижодий лойиҳалардан саналади.

Фаёл тадбиркорлик, "Инновацион" ғойлар ва "технологияларни қўллаб-қувватлаш йилига бағишланган мазкур санъат марафони жорий йилда 17-21 апрель кунлари Марказий кўргазмалар зали, унга туташ ҳудудларда, Тошкент Фотосуратлар уйи, Халқаро маданий карвон саройи ва бошқа санъат масканлариди бўлиб ўтади.

Жорий йилги тасвирий ва амалий санъат байрамиди юртимиз ижодкор ёшлари, педагог рассомлар, уста ва хунармандлар, моҳир мусаввирлар билан бирга Россия, Эрон, Озарбайжон, Туркменистон, Туркия, Исроил, Япония, Катар, Ҳиндистон каби давлатлардан ҳам ижодкорлар қатнашиши кўзда тутилган. Жорий йилги фестивалнинг ўзига хос яна бир жиҳати, унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий дипломатик корпуслар ўз давлатлари санъати ва маданиятига бағишланган кўргазмаларни томошабинлар эътиборига ҳавола этади.

Агар ўтган йилларда бу каби санъат фестивалларида фақат Бадий академия тасарруфидидаги ўқув муассасалари ёшлари ўз ижод намуналари билан иштирок этган бўлса, жорий йилги фестивалда юртимизнинг таъсирли санъат йўналишидаги таълим даргоҳларида таъсирли олаётган ёшларнинг иши билан танишиш мумкин. Лойиҳа доирасида қизиқарли кўргазмалар, тақдиротлар, талаба-ёшлар учун Бадий академия академиклари ҳамда хорижий ижодкорлар иштирокида маҳорат дарслари, анжуманлар, ижодий учрашувлар, театрлаштирилган сахна томошалари, мода намойишлари ўтказилиши кўзда тутилган.

**Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!
Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби қуйидаги хизматлар учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Шахмат бўйича РИБЎСМда 2048 Кб/с тезликка эга бўлган оптика интернет хизмати учун.
2. Шахмат бўйича РИБЎСМдаги мавжуд иситиш тизимлари ва кондиционерлар таъминот хизмати учун.
3. 2 донга 55 диагональ ўлчамли телевизор сотиб олиш учун.
4. 8 донга деворга ўрнатиладиган кондиционер сотиб олиш учун.
5. Мактабнинг 13560 кв.м ҳудудини ободонлаштириш, мавсумий гуллар экиш, мавжуд манзарали дарахларга шакл бериш, газонларга ўғит бериш ва уларни ўриш хизмати учун танловимизда қатнашинг.

Мурожаат учун манзил: Шайхонтоҳур тумани, Анҳор бўйи кўчаси, 10-уй. Тел: 241-16-25, 241-17-20. Факс: 241-17-20.

Тошкент шаҳри, Бектемир туманида жойлашган Тошкент вилояти ҳокимлиги Молия бош бошқармасини моддий-техника базасини ривожлантириш учун компьютер ва принтер харид қилиш мақсадида ташкилотлар ўртасида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Умумий сўмаси – 368 000 000 миллион сўм.
Манзил: Бектемир тумани, Хусайн Бойқаро кўчаси, 4-уй.
Тел: +99897 710-35-35, +99899 822-45-61.

Зиёда РАСУЛОВА



Футбол янгиликлари СОВРИНДОР ЖАМОАЛАР НОМИ МАЪЛУМ

Юртимизда футболни ривожлантириш мақсадида жорий йилда болалар, ўсмирлар, қизлар ва катталар жамоалари ўртасида мусобақалар ташкиллаштириш режалаштирилгани мухлисларга маълум.

Пойтахтимиздаги "Ёшлик" спорт мажмуасида 16 ёшли кизлар ўртасида футбол бўйича республика турнири ўтказилди. Андижон, Жиззах, Наманган, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри жамоалари голиблик учун кескин кураш олиб борган учрашувлар мухлисларда илиқ таассурот қолдирди. Қизиқarli ҳамда шиддатли курашларга бой беллашувлар якунида шохсупанинг энг юқори поғонаси андижонлик қизларга насиб этган бўлса, фахрли 2, 3-ўринлар Наманган вилояти ҳамда мезбон — Тошкент шаҳри жамоаларига насиб этди.

Ақбар ЙҮЛДОШЕВ

НАВБАТДАГИ РАҚИБ ЕНГИЛМАС БОКСЧИ

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида жорий йилнинг май ойида профессионал бокс кечаси ташкил қилинади.

Унда ўзбекистонлик Элдорбек Саидов ҳам иштирок этади. Май ойининг бешинчи санасига белгиланган тўқнашувда ҳамюртимизга кореялик енгилмас боксчи Ин Дук Сео рақиблик қилади. Бу боксчи профессионал рингда 11 марта жанг ўтказиб, тўққиз ғалаба ва икки дуранг қайд этган. Кореялик спортчи жанг давомида тезкор ҳаракатлари ва иккилик зарбаларни маромига етказиши орқали бокс мухлислари орасида яхши танилган.

Элдорбек Саидов эса шу вақтга қадар профессионал саккизта жанг ўтказиб, тўрт ғалаба (уч нокаут), уч мағлубият ва бир дуранг қайд этган. Ҳамюртимиз бахсларга жисмонан яхши тайёргарлик кўришга одатланган. Унинг ўнг қўл зарбаи хар қандай рақиб учун етарли даражада муаммо тўғдиради. Рингда ўзига ишонган ҳолда ҳаракатланади.

МЕРГАНЛАРИМИЗ ЖУФТЛИК БАҲСЛАРИДА

Қозғоғистоннинг Чимкент шаҳрида ўтказилган "Олтин мерган" халқаро турнирининг аралаш жуфтлик мусобақаларида ҳамюртларимиз яна шохсупага кўтарилишди.

Терма жамоамиз мураббийлари халқаро турнир доирасида аралаш жуфтликлар ўртасидаги бахсларда етакчи спортчиларимиз Сакина Мамедова ҳамда Вадим Скороваровнинг имкониятларини синовдан ўтказишди.

Мусобақалар якунига кўра, ҳамюртларимиз энг яхши натижалардан бирини қайд этиб, учинчи ўрин билан кифояланди. Шунингдек, яққалик бахсларида мусобақаларда Илья Федин олтин, Роман Го-

лошапов кумуш медални қўлга киритди. Илья Федин бир неча бор тўққизлик ҳамда ўнлик нишонларни аниқ мўлжалга олишга муваффақ бўлди.

Ботир ХҲЖАЕВ

Мутахассис маслаҳати

ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНДАН САҚЛАНИНГ

Кўклам кириб, ёмғирлар ёғиши туфайли замбуруғларнинг ўсиб, ривожланиши учун қулай шароитлар вужудга келади. Бу фаслда кўплаб замбуруғлар пайдо бўлади ҳамда ўсиб кўпаяди.

Ўзбекистонда замбуруғларнинг 300 дан зиёд турлари мавжуд бўлиб, уларнинг 25 туригина истеъмол учун яроқли деб топилган. Бундай замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли "қўзиқоринлар" деб атади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг хар қайси вилоятида, хар бир туманида қўзиқоринларнинг фақат айрим, муайян турларигагина терилиб, улардан турли хилдаги тансиқ таомлар тайёрланади. Бу истеъмол учун яроқли қўзиқоринлар маъданли моддалар, оксил ҳамда "С" ва "В" гуруҳларига мансуб витаминларга жуда бойдир.

Бирок республикамиз худудидан ўсадиган қўзиқоринларнинг 275 дан зиёд ботаник турлари заҳарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Бу турларга мансуб қўзиқоринлар таркибида гелвелли кислотаси, фаллотоксин, аммонитоксин ва бошқа заҳарли моддалар мавжуд бўлиб, уларга қанчалик ишлов берилмасин, таркибидаги заҳарли моддалар ўзининг заҳарли хусусиятини йўқотмайди. Улар киздиришга жуда ҳам турғун, қайнатилганда зарарсизланмайди, оксиген таъсирида оксидланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди, оқибатда истеъмол қилган кишиларнинг заҳарланишига сабаб бўлади.

Унутмаслик керакки, қўзиқориннинг рангсиз қурбақа салла турдагини энг заҳарли бўлиб, унинг озгина миқдори истеъмол қилинганда ҳам киши ҳаётини хавф остида қолдириши мумкин.

Республикамизнинг баъзи жамоа хўжаликлари ва ширкатларида махсус иссиқхоналарда истеъмол учун яроқли бўлган "вешанка" ва "шампиньон" қўзиқорин турларини етиштириш ва савдо қилиш учун руҳсат берилган. Бу хўжалик ва ширкатларда етиштирилаётган қўзиқоринлар ва

улардан тайёрланган консерва маҳсулотлари санитария-эпидемиология хизмати лабораторияларида таҳлил қилиниб, улар инсон соғлиги учун зарарсиз бўлган тақдирда хар бир маҳсулот учун санитар-эпидемиологик хулоса берилади. Ана шундай хулосага эга бўлган қўзиқорин ва ундан тайёрланган маҳсулотларни савдо шохобчаларидан харид қилишингизни тавсия қиламиз.

Заҳарли қўзиқоринларни билмай истеъмол қилган кишилар орадан бир неча соат ўтганидан сўнг кўнгил айна, тез-тез қайт қилади, ошқозон-ичак фаолияти бузилади, қоринда оғриқ пайдо бўлиб, бутун аъзои-бадани бўшашиб кетади, кўп сулак ажралади, териси сарғаяди, артериал босим кескин пасаяди.

Қўзиқорин таркибидаги заҳарли моддалар жигар, буйрак, меъда ости бези ва марказий асаб тизими аъзоларини қаттиқ шикастлайди. Қўзиқориндан заҳарланиш аломатлари вужудга келган тақдирда, беморга 5-6 пиёла илиқ намақобли сув ичирилиб, уни сунъий қайт қилдириб, меъдаси ювилиши керак. Агар меъда ювилиб, ундаги заҳарли моддалардан халос этилмаса, бу моддалар қонга сўрилади ва заҳарланиш янада оғир кечади. Бу беморларни уй шароитида билар-билмас доволаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолнинг олдини олиш учун зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни унутманг.

Эсингизда бўлсин, заҳарли қўзиқоринлар соғлигингиз учун ўта хавфлидир.

**М.ШОДИЕВ,
Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази овқатланиш гигиенаси бўлими мудири,
олий тоифали шифокор**

Бугунги кунда мобил алоқа воситаси бўлган уяли телефондан фойдаланувчилар сони шиддат билан кўпайиб бормоқда.

УЯЛИ ТЕЛЕФОННИНГ ЗАРАРЛИ ТАЪСИРИ БОРМИ?

Бундай алоқа воситалари ёрдамида ихтиёрли вақтда дунёнинг исталган жойига боғланиш мумкин бўлганлиги сабабли, барча инсонлар учун энг қулай алоқа воситасига айланиб улгурган. Бирок, кўпчилик уяли телефоннинг инсон, айниқса, болалар ва ўсмирлар организмига зарарли таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди. Уяли телефонлар пайдо бўлибдики, уларнинг инсон саломатлигига таъсири ҳақида турли баҳс-мунозаралар давом этиб келмоқда. Мутахассислар томонидан ўтказилган турли тажрибавий тадқиқотлар уяли телефонларнинг болалар ва ўсмирлар саломатлиги учун турли даражада зарарли таъсири мавжуд эканлигини исботламоқда.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан баркамол инсон этиб тарбиялашга давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги "Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида мобил телефонлардан фойдаланишни тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарор юртимиздаги барча таълим муассасаларида уяли телефонлардан фойдаланиш тартибини белгилайди. Айтиш жоизки, мазкур қарор болалар ва ўсмирларнинг соғлигини сақлашда юзага келиши мумкин бўлган турли хавфларни камайтиришнинг ҳуқуқий асосидир.

Жаҳоннинг турли мамлакатларида уяли алоқа воситаларининг инсон организмига таъсирини ўрганишга оид ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, уяли телефонлардан фойдаланувчиларнинг аксарияти бош оғриғи, бош айланиши, ноҳушлик, кулоқ атрофида "иссиқлик"ни ҳис этиш; шунингдек, кўнгил айниши, тез чарчаш, хотиранинг ёмонлашуви каби ҳолатлар бўйича арз қилишган. Маълум бўлишича, уяли телефонлардан узоқ вақт мобайнида узлуксиз фойдаланиш ҳақиқатан бош оғриғи ва хорғинлиқни келтириб чиқарар экан. Боз устига уяли телефонлар орқали кун давомида қанчалик кўп мартаба гаплашилса, бошнинг оғриғи шун-

чалик кучаяр экан. Тадқиқотлар натижасига кўра, уяли телефон орқали кўп гаплашувчи инсонларда кўзнинг ёшланиши, уйқусизлик, дармонсизлик ҳам кузатилади. Болалар ва ўсмирлар организмидан эса бундай омиллар янада таъсирчан эканлиги аниқланган. Айрим мутахассисларнинг фикрига кўра, уяли телефонлар ҳатто киши саратон касаллиғи келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Аммо аксарият мутахассислар мобил телефонларнинг инсон организмга жиддий зарар етказганлиги ҳолатлари бевосита исботланмагани сабабли, барча салбий жиҳатлар уяли телефондан фойдаланишда меъёрга амал қилмаслик сабабли вужудга келишини таъкидлаганлар.

Маълумки, ишлаб турган уяли телефон ўз атрофида электромагнит майдон ҳосил қилади. Бу майдон ўз навбатида, инсонларнинг асаб тизими фаолиятига албатта таъсир кўрсатади. Ушбу майдон интенсивлиги юқори бўлиб, у инсоннинг барча организмга тарқалади. Гарчи электромагнит майдоннинг инсон соғлиғига турли зарарли таъсирлари узоқ вақтлардан буён ўрганиб келинаётган бўлса-да, бу борада кўплаб баҳсли ҳолатлар мавжуд. Шу боис Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассислари болалар ва ёшларнинг уяли телефонлардан узоқ вақт давомида узлуксиз фойдаланишни тавсия этмайдилар.

Мухтасар қилиб айтганда, таълим жараёнида болалар ва ёшлар ўртасида мобил телефондан тўри фойдаланиш маданиятини шакллантириш, уларнинг уяли телефондан фойдаланишини имкон қадар чеклаш, ноҳуш ҳолатлардан сақланиш ва улар соғлиғини асрашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, уяли телефондан ўйин ўйнаш, видеокилиплар кўриш ва мусиқа тинглаш учун эмас, балки алоқа учун фойдаланиш мақсадида мувофиқ эканлигини мунтазам равишда таъкидлаш ва тушунтириб бориш зарур.

**Н.ТУРГУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ академияси доценти,
М.ДЖАМАТОВ,
шу академиянинг катта ўқитувчиси**

"101"

ГАЗДАН ТЎҒРИ ФОЙДАЛАНИНГ

Ёнғинлар халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Ёнғин бир неча сония ичида жуда катта миқдордаги халқ бойлиқларини ёндириб, қулга айлантиради.

Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тўтун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли хид ва газлар кўп миқдорда атмосферага кўтарилиб, нафас олиш учун зарур бўлган ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, ёнғиндан кўриладиган зарарнинг энг ёмони шуки, унда кўплаб кишилар жароҳатланади ва ҳатто вафот этиши ҳам мумкин. Буларнинг ҳаммаси ёнғинга қарши кураш тадбирларини, бу вақтда пайдо бўладиган ишларни хавфсиз бажариш усуллари ва меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишга мажбур қилади.

Ҳозирги пайтда саноат корхоналарида ёнғин хавфининг камайиши борасида бир мунча ишлар амалга оширилган. Ёнғин чиқиб хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари қўлланилмоқда. Саноат корхоналари бино ва иншоотлари таркибидан ёнғинчи қурилиш материаллари чиқариб ташланмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

**Темур МАДУМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасини ёнғиндан муҳофиза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлими башлиғи, майор**

Ис гази инсон саломатлиги учун жуда хавфли омил бўлиб, ундан заҳарланиш жуда осон. Ёнғин вақтида энг хавфли бу ҳавода кислороднинг етишмаслигидир, чунки ёнғин жараёнида кислород жуда кўп миқдорда ишлатилади.

Шунинг учун ёнғинда кислород танқислиги бошланади. Инсон кислород танқислигини ўзи сезмаган ҳолда ис газидан заҳарланиб, юракнинг нотўғри уриши, ўйлаш қобилиятининг бир мунча камайиши ва аниқ ҳаракатланишга тўқсизлик қилади. Шу боис инсон ўз хавфсизлигини таъминлай олмаслиги мумкин.

Оддий шароитда ёнаётган ис гази хидсиз ва рангсиз бўлади. Унинг таъсирида қон кислородни қабул қилиш қобилиятини йўқотиб, бош оғриши ва кўнгил айниши бошланади. Ёнғин оқибатида ҳосил бўладиган ис газидан сақланиш қондаларини билмаслик ачинарли оқибатларга олиб келиши мумкин. Ўзингиз ва яқинларингиз тақдирига бефарқ бўлманг!

**Худойёр ШОКИРОВ,
Алишер Навоий номидаги Давлат Академик катта театр биносини ёнғиндан муҳофиза қилувчи ёнғин хавфсизлиги бўлими асисти, сержант**

Бекарволик катта талафотларга олиб келишини ҳаммамиз ҳам тушунавермаймиз. Оддий қондаларга риоя қилмаслик — бу тинчлик-осойишталик, кут-баракат, энг қадри ва муқаддас оила, ширин фарзанд ва яқин инсонлардан жудо бўлиш, бир умрга ногирон одамга айланиб қолиш дегани.

Фуқароларимиз хавфсизлик қондаларини билсаларда, унга лоқайдлик билан қарамоқдалар. Газ ҳидини сезганда гулурт қақиш мумкин эмаслиги, газ қувурларини ўзбошимчилик билан газ плиталарига резина шланглар ёрдамда, ёнғин хавфсизлиги қондаларига зид равишда улаб, хонадонини талафотларга олиб келаётган инсонлар ҳам топилади.

Бундай бўлмаслиги, уйингизда офат балоли чикмаслиги учун газдан фойдаланиш, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилишингизни сўраб қоламиз.

**Аброр ХАЛИЛОВ,
Миробод тумани ЁХБ инспектори, кичик сержант**

Сергели тумани Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари томонидан олиб борилаётган профилактик тадбирларга қарамасдан худудда жойлашган айрим корхона-ташқилотлар раҳбарларининг эътиборсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги қондаларига бефарқлиги натижасида ноҳуш ҳолатлар рўй бермоқда.

Мисол учун Чоштепа кўчаси, 147-ўйда жойлашган 11-сонли оилавий поликлиникада содир бўлган ёнғинга тўхта-ладиган бўлсақ, Сергели тумани ЁХБ инспектори, сержант Н.Бурханов томонидан поликлиника худуди ва бинонинг тўлиқ ёнғин техник текшируви ўтказилган эди. Аниқланган камчиликлар юзасидан поликлиника бош шифокори Д.Тураевага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 211-моддасига асосан маъмурий иш қўзғатилганлигига қарамасдан, бош шифокор Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимининг берган ёзма кўрсатма талаблари их-росини таъминламаган. Натижада Тошкент шаҳар Ёнғин хавфсизлигининг марказий диспетчерлик хизмати (максус "101" телефон рақамига) Сергели тумани Чоштепа кўчасида жойлашган 11-сонли оилавий поликлиникада ёнғин содир бўлганлиги ҳақида хабар тушган.

Ёнғин хавфсизлиги бўлими ходимлари текзорлик билан воқеа жойига етиб борганларида физиотерапия хонасида 11 квадрат метр майдонда парда, пол ва стул қисман ёнғинлигини кўришган. Суриштирув давомида физиотерапия ҳамшираси У.Абдузамон хонада парадини эритиш мақсадида машиини электр иситиш мосламаси (электр печидан) фойдаланиши ҳамда назоратсиз қолдирилиши натижасида ёнғин содир бўлганлиги аниқланди. Ёнғинни бартараф этиш вақтида эҳтиётсизлиги оқибатида У.Абдузамоннинг юзи, бўйни, икки қўли ва икки оёғи 2,3 А-даражали 9% термик қўйиш шун жароҳатини олганлиги маълум бўлган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда шун таъкидлаш зарурики ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этиш нафақат мол-мулкни асраш балки, инсонларнинг хавфсизлигини таъминлаш демакдир!

**Улугбек МҮМИНОВ,
Сергели тумани ЁХБ бошлиғининг ўринбосари,
сержант**

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

— 25-27 даража иссиқ бўлади. Ўзгиретишнинг мосториге хизмати маълумотига кўра, 13 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 13 апрель куни ҳаво ўзгариб туради, ёнғинга қарши бўлмайди. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шимол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи